



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИНИ МУСТАХКАМЛАШДА ДЕПОЗИТЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Саримов Шахбозали Соатали ўғли
ТДИУ таянч докторанти

Аннотация. Банклараро рақобат шароитида тижорат банклари депозит амалиётида қатор муаммоларнинг мавжудлиги банкларнинг ресурс базасининг барқарорлигига таъсир қилмоқда. Бу эса, банк активларининг самарадорлигини пасайшишига олиб келади. Республикаиз тижорат банклари депозит операциялари таркибида муддатсиз депозитларнинг салмоғини юқорилиги кўзга ташланмоқда. Бу эса, навбатида банкнинг депозит базаси таркибида барқарор бўлмаган манбанинг юқорилиги билан изоҳланади.

Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиши, шу жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни чиқарии, субординар қарзларни фаол жалб қилиши банкнинг депозит сиёсатини бошқарии амалиётга бевосита боғлиқдир.

Калим сўзлар. банк ресурслари, банк депозитлари, аҳоли омонатлари, узоқ муддатли, ресурслар, ички ва ташқи ресурслар, қисқа ва узоқ муддатли ресурслар, хорижий кредит линияари, миллий ва хорижий валюта омонатлари.

Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш банк хизматларининг оммабоплигини ошириш, банкларнинг мамлакат чекка ҳудудларига кириб боришини жадаллаштириш билан барча аҳоли пунктларида банк хизматлари турларини кенгайтириш, банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида

ахборот ва молиявий технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишида инсон омили таъсирини камайтириш, банк секторини иқтисодий трансформацияси ва жамият эҳтиёжларига мос равишида ривожланишини таъминлаш борасида стратегик ислоҳотларни амалга ошириш бўйича маълум натижаларга эришилмоқда.


Тижорат банкларида ресурсларнинг асосий қисми жалб қилинган ресурслар ҳисобидан шакллантирилади. Жалб қилинган ресурслар таркибида банк депозитлар энг катта улушга эга бўлиб, самарали банк депозит сиёсати банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга, ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Банкларда самарали депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бугунги кундаги ресурсларга бўлган талабни қондиришнинг энг оптимал йўлидир.

Банк депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий-меърий асоси сифатида эътироф этиладиган тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари, мамлакат Президентининг Фармонлари ва Қарорларида белгиланган вазифалар мамлакатимиз банк тизимида фундаментал ўзгаришлар юз берадиганлигидан далолат беради.

Хусусан, замонавий шароитда банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимида ишончли институционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлаш вазифалари ўзининг долзарблигини сақлаб қолганлиги ҳамда умумбанк фаолиятини илғор амалиёт ва халқаро стандартлар асосида ташкил этилганлиги молиявий барқарор ва рақобатдош муассасасига сифатли трансформация қилишга бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш зарурлигининг эътироф қилиниши, депозитлар бўйича таклиф этилаётган хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш, уларни тўхтовсиз такомиллаштиришни тақозо этади.

Тижорат банклари томонидан ҳисбот йили давомида жалб қилинган депозитлар таркибидаги аҳоли омонатлари қолдиғи **37** фоизга ошиб, **86** трлн

сўмга етди, жумладан, миллий валютада жалб этилган омонатлар қолдиги **45** фоизга ёки **18** трлн сўмга ошиб, жами аҳоли омонатларидағи улуши эса ўтган йилги **63** фоиздан **66** фоизгача кўтарилди.



1-расм. Депозитларининг муддатлари бўйича тақсимланиши¹

Шунингдек, жами депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар улуши 43 фоиздан 35 фоизгача пасайган бўлса, 1 йилгача (*қисқа муддатли*) бўлган депозитлар улуши 26 фоиздан 29 фоизгача, 1 йилдан юқори (*узоқ муддатли*) депозитлар улуши 31 фоиздан 35 фоизгача кўпайди.

2023 йилда тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри (*Хукумат кафолатисиз*) жалб этилган хорижий кредитлар ҳажми 4,3 млрд долларни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 2,1 баробарга қўпайди. Бунда, бир йилгача бўлган қисқа муддатли хорижий кредитлар ҳажми 1,5 млрд долларни ёки 34 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилида 2,4 млрд долларлик хорижий кредитлар сўндирилган бўлиб (2022 йилда ҳам 2,4 млрд доллар сўндирилган), шундан 1,7 млрд доллар (72 фоизи) узоқ муддатли кредитлар хиссасига тўғри келди.

Банклар томонидан жозибадор омонат турлари таклиф этилаётганлиги

¹ <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats>
www.pedagoglar.org

аҳоли пул маблағларини банк муассасаларида сақлашнинг ишончлилиги ва кулагайлигини кундан кунга оширмоқда.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳозирги вақтда тижорат банклари томонидан янгидан янги жозибадор депозит турлари таклиф этилмоқда.

2023 йилда ташқи кредит ресурслари нархининг юқори даражада сақланиб қолиниши шароитига қарамай, тижорат банклари томонидан молиявий ресурсларни шакллантиришда ички ва ташқи ресурслар жалб этиш бўйича чоралар кучайтириб борилди.

Хусусан, тижорат банклари томонидан жалб қилинган ташқи кредит ресурслари қолдиги 2022 йилга нисбатан 29 фоизга ошиб, улар қолдиги 2024 йил 1 январь ҳолатига 8,5 млрд долларни ташкил этган бўлса, ички ресурслар – депозитлар қолдиги 12 фоизга ёки 25 трлн сўмга ўсиб, жами мажбуриятлардаги улуши 2022 йилдаги 45 фоиздан 44 фоизга пасайди.

Тижорат банклари депозит стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллашда тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг депозит сиёсатида қўлланилаётган тактик воситаларнинг қай даражада депозит стратегиясига мос келаётганлигини аниқлаш имконияти тижорат банки депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида юзага келади.

Мамлакатимиз тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқишида ва унинг амалиётга жорий этишда қуйидаги асосий масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Банкларга жалб этилаётган маблағлар иқтисодий нуқтаи назардан самарали бўлиши лозим. Бунда асосий эътибор тижорат банклари томонидан пассив операциялар натижасида жалб қилинаётган маблағларни актив операцияларга жойлаштириш орқали олаётган даромадлари қилинган

харажатларни қоплаш билан бирга, тегишли фойдани бериши муҳим масалалардан ҳисобланади;

2. Банкнинг депозит сиёсати рақобатбардош бўлиши лозим. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ўртасида молия ва фонд бозорларидан маблағларни жалб қилишда рақобат муҳити вужудга келади. Бундай рақобатда ютиб чиқишнинг асосий мезонларидан бири омонатчиларни йўқотмаслик мақсадида уларнинг омонатлари бўйича тўланадиган фоиз тўловларини ошириб бориш лозим бўлади. Бу ўз навбатида банкнинг рентабеллик даражасига таъсир қиласи, ушбу таъсирнинг салбий натижаларни келтириб чиқармаслик ҳолатларини таъминланиши банк депозит сиёсати рақобатбардошлигини англатади;

3. Тижорат банклари депозити сиёсатида қуидаги ҳолатлар алоҳида инобатга олиниши ва аниқ қилиб белгилаб қўйилиши лозим.

а) Депозит муносабатларининг субъектлари бўйича, яъни банк депозит маблағлари айнан қандай шахсларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланиши ва улардан банк учун зарур бўлган маблағларни жалб қилиш имкониятлари аниқ белгилаб олиниши керак;

б) Депозитларнинг шакллари бўйича, яъни банкка жалб этилаётган депозит маблағларнинг қандай ҳажми талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитлардан бўлиши, улар ўртасидаги нисбатлар инобатга олиниши мақсадга мувофик;

в) Риск даражаси бўйича, яъни омонатчилар ва мижозларнинг ҳисобварақалари бўйича тегишли қолдиқ суммалари ва уларни сақлаш муддати қанчалик юқори бўлса, банк учун депозит маблағларини жалб этишда риск даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча;

г) Маблағларни жалб этишнинг асосий мақсади, яъни банк депозит маблағларни жалб этишдан олдин уларни қандай актив операцияларга (кредит, инвестиция, банклараро кредит, асосий воситалар, нақд пул) жалб этилиши аниқ белгилаб қўйилиши, бунда амалга оширилган актив операциялар натижасида қилинган харажатлар қопланиши эътиборга

олиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг депозит операцияларини оқилона бошқаришга эришиш, уларга молиявий барқарор ресурсларни шакллантириш, банк ликвидлигини таъминлаш ва уларнинг фойдасини оширишга замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Porter, M. The Five Competitive Forces that Shape Strategy. Harvard Business Review, 2008. – P. 86.
2. A. Ries, J. Trout. Positioning: The Battle for Your Mind – New York: Warner Books, 1982. – 213 p.
3. Allard, S. Client Segmentation: New Approaches for Private Bankers <http://www.privatebanker.lu/wpcontent/uploads/2012/07/sebastien-allard-IBM.pdf>.
4. Application of FinCEN's Regulations to Certain Business Models Involving Convertible Virtual Currencies.
5. Батракова Л.Г. Анализ процентной политики коммерческого банка: Учебное пособие. – М.: Логос, 2015. – 152 с.
6. Бородин А.И., Полетаева В.М. Методика определения оптимальной величины процентной ставки по розничным депозитам. Деньги и кредит. 2016. №9. С. 41-46.
7. Коробова, Г.Г. Банковское дело: учебник / Г.Г. Коробова. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Магистр, Инфра-М, 2015. – 592 стр.;
8. Қоралиев Т.М “Пул ва банклар” Дарслик. Т.: – “Иқтисод-молия”, 2019 й. – 461 б.
9. Жураев И.И. Ўзбекистон республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш. иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 26 б.
10. Ортиков У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. “Молия, пул муомаласи ва кредит” Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш

учун ёзилган дисс. автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – 19.09.2008. –Т., 2008. -20 б.

11. Раҳимов А.М. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, –Т.: “Iqtisod-moliya” нашриёти, 2019. 54 б.

12. Шермухамедов Б.У. “Банклараро рақобат шароитида депозит сиёсатини такомиллаштириш йўллари” / Монография. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2023. - 110 б.

13. <http://www.cbu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки расмий веб-сайти.